83.3Уз
К-20

Қашқадарё

Адабий-танқидий йиллик тўплам

CamScanner

ИСРОИЛ МИРЗАЕВ.

УМИД ВА ИШОНЧ

Ҳаёт ҳақиқатига реал ижодий ёндошиш, инсоний хислатлар, гражданлик пафосини улуғлаш, шулар билан бирга, ижтимоий турмушдаги мавжуд камчиликларни очиб ташлаш кейинги йилларда ўқувчи назарига тушган асарлар учун айниқса характерли ҳисобланади. Ч. Айтматов, В. Распутин, В. Биков, В. Астафьев, В. Белов, В. Гроссман, Ю. Самед ўғли, О. Ёқубов, П. Қодиров ва бошқаларнинг повесть-романлари, долзарб публицистикаси ижтимоий-аҳлоқий муаммолар, ҳаёт зиддиятлари, шахс эрки, қадр-қиммат, виждон ва адолат учун курашни ҳаққоний акс эттириши билан диққатга сазовордир. Ижод аҳли халқнинг дард-ташвишлари, орзуларини бадиий ифодалаш йўлида дадил интилмоқда, ижтимоий ҳаётга фаол аралашмоқда, гражданлик позициясини тобора мустаҳкамламоқда.

Давр руҳини юракдан ҳис этиб, воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний кўрсатиш, барча мураккабликлар, зиддиятларни, инсоннинг ранг-баранг ички дунёси, кураши, интилишлари, қувончу изтиробларини замон талабидан келиб чиқиб таҳлил қилишда ёшлар дадилроқ қалам тебратаётгани сир эмас. Сўнгги пайтларда адабиётда навқирон авлод ўрни, салмоғи тош босаётир. Ёш истеъдодларнинг асарлари газета ва журналларда мунтазам равишда эълон қилинаётир, қатор китоблари нашриётларда чоп этилмоқда. Аксарий асарларда «йирик воқеалар» кетидан қувиш, «буюк иншоотлар» қиёфасини, фавқулодда экстремал вазиятларни, «керакли одамлар», сохта қаҳрамонларни тараннум этиш барҳам топаётирки, буни катта қониқиш билан қайд этиш керак. Эндиликда оддий меҳнаткаш инсоннинг ўзига хос содда психологияси, севинч ва азоблари, кундалик турмуш чигалликлари, нотекис инсоний муносабатлар тўғрисида ижтимоий-фалсафий умумлашмалар яратишга интилиш кучли.

Таниқли рус совет ёзувчиси Юрий Бондаревнинг қуйидаги мулоҳазаси ҳозирги адабий жараённинг бош хусусиятларини белгилашда жуда характерли: «Бизнинг адабиётимиз ҳамиша фикрлар, дард, изланиш ва безовта адабиёт бўлганлиги билан ажралиб туради... Бизнинг адабиётимизда виждонлилик, маънавийлик, қалб соғломлиги энг қимматли хислат. Ўта фожиали, зиддиятли, драматик ҳолатлар ҳақида ёзиш керак. Лекин, инсон учун комил ишонч қолдириш керак».[1]

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек адабиёти ҳам кейинги йилларда сифат томон силжидики, бу қувончли ҳол асосан ёш ижодкорлар ҳисобига содир бўлаётгани эътиборга молик.

Бугунги адабиётимиз жонкуярлари —ёшлар ижоди ёрқинроқ ва жозибали шуъла сочмоқда, уларнинг талай асарларини республикамиз эмас, Иттифоқ китобхонлари ҳам илиқ қаршилади. Марказий нашриётлар Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Нурали Қобул, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Асад Дилмуродов китобларини нашр этди. Яқингинада ёзувчи Асад Дилмуродов Москвада чоп этилган «Тош бургут», «Сирли зина» қиссалари учун Николай Островский номидаги Бутуниттифоқ мукофотига сазовор бўлди.

Бундан беш йил аввал адабиётимиз оқсоқолларидан Одил Ёқубов «Ёшлик» журнали (1985 йил, 10-сон) саҳифаси орқали қуйидаги адолатли фикрни айтган эди: «Ёшларимиз орасида ўзига хос йўл тутган, ўз мавзуси, ўз дарди, ўзига хос овози, ўз услубини яратган ёки, ҳали яратмаса ҳам, шунга интилаётган ёзувчиларимиз борми? Соддароқ қилиб айтганда, халқнинг тилида ва дилида юрган гапларни топиб айтишга қодир бўлган чин истеъдодлар борми? Шубҳасиз бор. Бизнинг бахтимизга бундай истеъдодлар оз эмас». Бугунги кунга келиб насримиз майдонида етук қалам соҳиблари самарали ижод қилаётган эканлар, адабиётимизнинг истиқболи ишончли қўлларда, деган кафолатни қўрқмасдан бериш мумкин.

«Коммунистик дунёқараш, фақат угина, совет ёзувчиси ижодининг ҳақиқий гражданлик ва инсо-

[1] «Неделя», 1983 йил, 16-сон.

ний қадр-қимматини белгилайди, — дейди Чингиз Айтматов. — Бироқ, эътиқодга садоқат ҳақида гапириш ва унга ўзини бағишлаш бошқа-бошқа нарсалардир. Замон ва халқ олдидаги бурч тўғрисида кўпдан-кўп ажойиб ҳақиқатлар ва қасамларни овозни баланд қўйиб таъкидлаб айтиш мумкин. Чинакам бадиий асар — бу қасам эмас, балки китобнинг ўзидир».[1]

Бадиий мукаммаллик даъво қилувчи ҳар бир асарга шундай критерия билан ёндошиш, уларда чизилган характерлар ва олға сурилган ғояларни объектив баҳолаш танқидчиликнинг асосий вазифаларидан биридир. Бундай асарларда инсонни маънавий юксакликка кўтарадиган, воқелик диалектикасининг моҳиятини очиб берадиган, шахснинг ғоявий-аҳлоқий қиёфасини белгилайдиган фазилат бўртиб турадики, худди шу фазилат ёзувчининг ижодий мақсадига яқин туради. Ёш ўзбек адиблари ижодида ҳам шундай андозага жавоб берадиган, ўқувчини ҳаяжонга соладиган намуналар анчагина эканлиги сезилади. Бу факт адабиётимизнинг эртасига ишонч ва умид билан қарашга ундайди. Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Нурали Қобул, Тоғай Мурод, Эркин Аъзамов, Муроджон Мансуров, Асад Дилмуродов, Ғаффур Ҳотамов каби адибларнинг қатор асарларида юксак ахлоқ нормалари, виждон ва бурч, одам қадрияти, оддий меҳнаткашнинг олижаноблиги ифода топаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Оддий одамларни ўз китобларининг қаҳрамонлари қилиб олиш, инсон омилини руёбга чиқариш сари интилиш ҳаёт зиддиятларини бадиий тафаккур орқали ифодалашга эътибор ёш носирларимиз услубига хос бўлиб, Мурод Мухаммад Дўстнинг «Истеъфо», «Галатепага қайтиш», Эркин Аъзамовнинг «Жавоб», Хайриддин Султоновнинг «Ажойиб кунларнинг бирида», Тоғай Муроднинг «Қўшиқ», Асад Дилмуродовнинг «Тоғлар, сукут сақланг», Орзиқул Эргашевнинг «Ортимдаги умр» сингари қиссаларини ўқиганда бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз. Яна бир талай насрий асарлар майдонга келдики, уларда замон дарди кишилар ташвиши ва қалб туғёнлари бу-

[1] «Известия», 1987, 20 июнь.

лан чамбарчас тасвирланди, яқин ўтмишдаги машъум хатоликлар, нохуш воқеалар — мансабпарастлик, шуҳратпарастлик, порахўрлик, кўзбўямачилик. энг ёмони — айрим мансабдор шахслар томонидан одам қадриятининг оёқ ости қилиниши, социалистик қонунчилик ва совет демократиясини бузишдек иллатлар фош этилди. Шукур Холмирзаевнинг «Тоғларга қор тушди», Ғаффор Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой», «Эврилиш», Ражаббой Рауповнинг «Она сўз», Нусрат Раҳматовнинг «Мен редакцияданман» қиссалари ва бошқаларда турғунлик йилларига хос негатив манзаралар — социал адолатсизлик, ўзбошимчалик ва зўравонлик авж олганлиги, бу иллатларнинг мудҳиш оқибатлари кўрсатилади.

Мурод Муҳаммад Дўст оригинал прозаси билан ўз тенгқурлари орасида ажралиб туради. Жиддий асар — «Лолазор» романини ўқиганимизда ажойиб қониқиш туйганимизни яширишнинг ҳожати йўқ. Ёш адибнинг «Галатепага қайтиш» қиссаси ҳам катта таассурот қолдирган эди. Қисса бош қаҳрамони Ғайбаров ўзига хос характер билан адабиётимизга янги образ бўлиб кирди ва адабий жамоатчилик томонидан ҳам шундай эътироф этилди.

Ёзувчи психологик таҳлил имкониятларидан моҳирлик билан фойдаланиб, Ғайбаров сиймосини китобхон кўз ўнгида тўла-тўкис гавдалантиришга муваффақ бўлади. Бош қаҳрамон ўз ҳаётини сарҳисоб қилиши учун адиб яхши старт майдончаси ҳозирлаб, унинг бошидан ўтган воқеа-ҳодисаларни руҳий таҳлил ёрдамида ривожлантиради. Ғайбаров отасининг ўлими муносабати билан кечмиш-кечирмишлари, хаёл-мулоҳазалари, андуҳ-изтироблари ичра ғарқ бўлади. Ҳаёт мураккабликлари, турмуш чорраҳалари эгри-бугри сўқмоқлардаги тўқнашувлар бирмунча лоқайд, хаёлпараст, содда Ғайбаровни уйғотади, унинг жонли дунёси кўз ўнгимизда кенг кўламда гавдаланади.

Имон-эътиқод, мазмундор тушунча эканлиги Муроднинг бошқа асарлари учун ҳам хос фазилатдир. У «Истеъфо» қиссасида ҳақиқат ва адолат, инсоф ва диёнат, ишонч ва умид йўқолган, шахс эрки ва ўзлиги, ташаббус ва мустақиллик бўғилган жойда турли ёмонликлар: хато ва алдамчилик, қадрсизлик ва пасткашлик келиб чиқиши муқаррарлигини далил-

лаб кўрсатади. Асар қаҳрамони Эломонов буни тушуниб етади — ўзи ишонган кишилар, қўл остида ишлайдиган ходимларнинг мунофиқликлари, иккиюзламачиликлар ва тубанликларини кўриб чидаёлмайди: истеъфо беради.

Бироқ, руҳиятдаги кескин бурилиш—мансабдан истеъфо бериш мантиқан етарли даражада асосланмайди. Ҳаётда ўз ўрнини йўқотган, халқ олдидаги бурчини унутиб қўйган омадсиз киши фожиаси таъсирли, анча ишонарли кўрсатилса-да, зиддиятлар илдизи, қаҳрамон характерида пайдо бўлган қарама-қаршиликларга муносабат таҳлили ниҳоясига етказилмаганки, бу қусурларни изланиш жараёни деб тушунишни хоҳлар эдик. Ҳар ҳолда, танқидчи Иброҳим Ғафуров қатъий ҳукм чиқарган фикр —«Зерикарли одамнинг истеъфоси» деган гапга қўшилишдан ўзимизни тиймоқчимиз (Қаранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1984 йил, 6 июль).

Ёш адиб ижодида сезиларли қадам ҳисобланган бу асар тўғрисида профессор Н. Худойберганов билдирган мулоҳазалар ҳам мунозарали. Аввало, танқидчи қиссага баҳо беришда ўзига ўзи қарши боради. «Мурод Муҳаммад Дўстнинг асарини нотўғри танқид қилди, танқидий фикрларини етарли исботламади», деб Иброҳим Ғафуровни, ёш ижодкорни ортиқча мақташда адабиётшунос Озод Шарафиддиновни айблайди.[1] Бизнингча, қиссаларида характер яратишда оригиналликка, оддий одамлар ҳаёти орқали ижтимоий-аҳлоқий муаммоларни кўтариб чиқишга эриша олгани учун адибни табрикламоқ керак. Ахир, катта прозамизда оддий кишилар образи, зиддиятли характерлар йўқолиб кетди, деб яқин кунларгача нолиб юрган эдик-ку!

«Галатепага қайтиш» ва «Истеъфо»даги персонажлар ҳаётда бор одамлар, улар билан учрашганмиз, қувликлари, соддаликларидан ҳайрон бўлиб, ажойиб-ғаройиб ишлари ва тўпори хулқ-атворларидан кулганмиз. Буни адибнинг ўзи ҳам эътироф этиб, уларнинг қарийб ҳаммасини шахсан билганлиги, баъзиларини кўрган кишиларнинг аниқ ҳикояларидан олганлигини айтади.

[1] Норбой Худойберганов, Ўз дунёси, ўз қиёфаси. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти. 1986 йил, 35—37- бетлар.

Мурод Муҳаммад Дўст «Лолазор» романи билан мушоҳада ва муҳофазаси анча кенг носир бўлиб етишганлигини намоён этди. Асарда яқин ўтмишнинг катта қамрови берилган — халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодисалар аниқ позиция бўйича тасвирланган. Адиб ўз ижодий қиёфасига хос, яна шу бир қараганда содда ва ғаройиб феъл-атворли кишиларни асарига қаҳрамон қилиб танлайди. Назар Яхшибоев ҳам, Ҳорун Қалонов (Ошно) ҳам, Саидқул Мардонов ҳам, Ҳотам Шўро, Муҳсина хоним, Жонузоқ карвон, Чоршанбиев, Симхо этикдўз ҳам—ҳамма-ҳаммаси ўз бадиий қиёфаси билан берилади. Буларнинг барчаси халқимиз бошидан ўткизган мураккаб босқичларни жонли, ҳаққоний гавдалантириш учун хизмат қилади. Роман воқеалари, қаҳрамонларининг ҳатти-ҳаракатлари, саргузаштлари билан танишган ўқувчи мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида йўл қўйилган камчиликлар, шаҳсга сиғиниш ва турғунлик йилларининг нохуш манзаралари: адолатсизлик, конъюктура, офаринбозлик ва коррупциянинг мудҳиш кўринишлари ҳақида тасаввур ҳосил қила олади.

Роман материаллари Булдуруқдан чиққан Назар Яхшибоев саргузаштлари, ўй-кечинмалари, теварак-атрофидаги кишилар, биринчи навбатда, қишлоқдош дўсти Ошно билан муносабатлари силсиласи асосига қурилади. Чўпон ўғли Назар, унинг дўсти Ошно шаҳарга бориб ўқиган биринчи қалдирғочлардан. Ҳаёт оқими бу икки йигитчани турли қисматларга дучор қилади. Улар давр фарзандлари сифатида вояга етадилар. Омад кўпроқ Ошнога кулиб боқади, ёшликдан бирга ўсган дўстига «Қиёматли ошно бўламан, ўз дардимни қўйиб, сенинг дардингни оламан», дея онт ичган Ошно келгусида ўртача иқтидорли Назар Яхшибоевга кўп илтифотлар қилади. Назар Яхшибоевга ўхшаганлар фожиаси ўша йиллардаги имтиёзлардан диёнатсизларча фойдаланишдан иборат эди.

Лекин, Назар Яхшибоев виждонига қарши иш кўрган диёнатсиз эмас. У—вазият, муҳит қурбони. Унинг беморлик кунлари, ҳаёт йўлининг сўнгги дақиқаларини эсланг. «Истеъфо»даги Саидмурод Эломонов сингари Назар Яхшибоев ҳам ўтган умрини сарҳисоб қилади. Бу умргузаронликда у неча семириб, неча

марта озади, яъни муваффақиятга эришади, қаттиқ адашади, зафарлар қучади, жиддий хатоларга йўл қўяди, хуллас, ўз замондошлари кўрган ҳаёт завқи ва лаззатини кўриб, жабр ва ситамларини ҳам татийди, қувонади, изтиробга тушади. Кўпчилик китобхон у тарафда, уни ёқлайди, аяйди, хатоларини кечиради— Назар Яхшибоевни кўнглига яқин олади. Бизнингча, ёзувчи ҳам ўз қаҳрамонини шундай гоҳ меҳр, гоҳ қаҳр аралаш илиқлик билан тасвирлаган.

Ҳаёт—мураккаб, унинг сўқмоқлари одамни гоҳ севинч гуллари сочилган йўлларга бошлайди, гоҳ боши берк кўчаларга олиб киради. Бадиий сўз сеҳри инсон тақдиридаги ана шу барча томонларни—ҳаётнинг мусбат ва манфий қирраларини ҳаққоний ифода этиши билан такрорланмасдир. Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» қиссасида ҳаётда камситилган ва ҳақоратланган, юзага келган вазият ва тазйиқларга бутун умр бўйсунган кишининг қисмати тўғрисида сўз боради.

Асар қаҳрамони Нуриддин Элчиев—ҳаётда ўз ўрнини топмасдан вазиятга мослаша олмаган ва шунинг оқибатида қадрланмаган, бечораҳол одам, эгрилик йўлига кирмаган, шу туфайли ҳам на иши, на омади юришади. Қиссанинг охирида омадсизлик гирдобидан чиқолмаган Элчиев ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача боради.

Нуриддин Элчиев ўз ҳақ-ҳуқуқи, дунёқараши йўлида дадил кураша олмайди, устидан кулаётган, таҳқирлаётганлардан ўзини ҳимоя қилолмайди. У вазият, муҳит, теварак-атрофда рўй бераётган кўнгилсиз ҳодисаларга, жамиятимиз учун ёт воқеаларга бефарқ, бирмунча карахт ва одамови бўлиб қолган. Ҳеч кимга қўшилмайди, ўзи билан ўзи овора, нимандир ўйлагани ўйлаган, хуллас, калавасининг учини йўқотиб қўйгандек, одамларга кўрингани уялгандек, хижолат чекаётгандек омонат яшайди. Бундай одам эса, ўз виждони, оиласи, қолаверса жамият олдидаги бурчдорлигини ҳам унутган, шу масъулиятни эплолмайди ҳам. У ҳатто хотинини бузуқликда айблашганда ҳам, унинг гуноҳсизлигини билиб, ҳимоя қилолмайди.

Қиссада тасвирланишича, Нуриддин Элчиев ўлар ҳолатда таёқ ейди, жисмоний жароҳатланади, маънавий ҳақорат қилинади. Ўлганнинг устига тепгандек, муштумзўрлар жиноятни ёпиш учун унга пора тутишади. Адиб яқин йилларгача порахўрлик авж олганлиги, ҳатто катта-катта жиноятлар ҳам поралар эвазига ёпилиб кетганлигига тўғридан тўғри ишора қилади. Пора, хаспўшлаш, қонунбузарлик бор жойда мутелик ҳам, мансабдор шахслар олдида тиз чўкишу юқорининг тазйиқларига чидаш каби иллатлар ҳам йўқ эмас эди. Мана, Элчиевнинг бошлиғи Нодир Файзуллаев унга қуйидагича ҳукм қилади: «Маслаҳат шуки, даволингиздан кечасиз! Кечмасангиз...» Қўрқоқ ва мутe Элчиев «Даъвоим йўқ, ўзимдан ҳам ўтган эди», деган мазмунда тилхат ёзиб беради ва муштумзўр безорилар қонуний жазодан қутулиб қолишларига ёрдам беради.

Нуриддин Элчиев каби кишиларни шу кўйга солганлар кимлар? Қайси муҳит? Бу партиямиз Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан буён ошкора айтилаётган жамият социал-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги чекиниш турғунликка—инсоннинг қадрсизланишига, шахс камолоти гармониясининг бузилишига олиб келган ва натижада Нуриддин Элчиевдек «қаҳрамонлар»ни пайдо қилган эди.

Бироқ, бундай муҳит бошқача типдаги «қаҳрамонлар» ҳам берган эдики, «Жавоб»да ундай типлар Ҳайдар Самадович образида мужассамлаштирилган. Ҳайдар Самадович ҳаётда Нуриддин Элчиевнинг акси—у эпчил, олғир, чаққон, вазиятга зудлик билан мослаша олади. Ҳайдар Самадович Нуриддин Элчиевнинг синфдоши, тенгқури, мактабда ўртача ўқирди, лекин чаққонлиги орқасида турмушда ҳамма нарсага эришади, эътиборли шахсга айланади—фан доктори, профессор, «каттакон институтнинг йўғон устуни». У собиқ синфдоши ўз клиникасида оғир аҳволда ётганида «инсоний бурчи»ни унутмай, палатага кириб турди, унга «таъна қилди, дашном берди, дағдағаю зам-зама урди, лекин бир оғиз дард-ҳол сўрамади: гаплашмади—нуқул ўзи гапирди. Гапирди, гапирди ва ниҳоят улуғвор қиёфада салобат билан ўрнидан тураркан, одатдагидек, бенхтиёр сўради: «Бизга топшириқлар йўқми?»

Ҳайдар Самадовичга ўхшаш кишилар жамиятда юз берган вазиятлардан ўз шахсий манфаати учун ҳар жиҳатдан фойдаланган, енгил унвону, имтиёзлар уларни кеккайтирган, қуруқ расмиятчиларга айлантириб қўйган. Бундай шахслар фақат собиқ синфдо-

ши эмас, ўзига кераксиз ҳамма одамларга шундай юзаки муносабатда бўлади, жамиятга фойда етказишни, бошқаларнинг дардига, ҳаётига бепинат малҳам бўлишни мутлақо унутиб юборади. Буни қисса бош қаҳрамонининг надоматли гапидан ҳам биламиз: «Сенга топшириқ бўладими, Ҳайдар! Сенга—фан докторига, профессорга, каттакон институтнинг йўғон устунларидан бирига!.. Сенга топшириқ берса ҳам, ҳеч қачон ўзинг бажармайсан, дарҳол бировга буюрасан, оширасану яна сўрайсан: «Бизга топшириқлар йўқми?»

Эркин Аъзамов қиссада бир-бирига қарама-қарши икки характерни чизиб, давр қусурларининг бадиий инъикосини беради, ўқувчи кўз ўнгида ўша йиллар рўёбга чиқарган типларнинг икки хилини намоён қилади. Улардан бири—иродасизлиги туфайли вазият қулига айланиб, қадрсизланиб қолган—Нуриддин Элчиев, иккинчиси давр, муҳит кўпиртириб, бошқаларнинг ҳисобига қадри, мавқеи ўта ошириб юборилган — Ҳайдар Самадович. Тўғри, асарда бошқа типдаги образлар (зўравон, муштумзўр, тазйиқли раҳбарлар) ҳам борки, улар бу иккала характерни тўла гавдалантиришга хизмат қилади.

Ёзувчи Шукур Холмирзаев «Ёшлик» журналида «Уч ҳикоя» рубрикаси остида ҳажми жиҳатидан мухтасар, лекин мазмундор «Яшил Нива», «Устоз», «Ҳумор» ҳикояларини эълон қилди. Адиб илгарироқ яратган «Подачи», «От эгаси», «Чўлоқ турна» каби ҳикоялари билан инсон ва ҳайвонот олами муштараклиги муаммосига фалсафий-аҳлоқий ёндашгани, инсоннинг руҳий такомилида атроф-муҳит роли беқиёслигини пафос билан ифодалаганини биламиз. Уларда шу кунининг актуал мавзулари акс этган бўлиб, ҳаётимизда содир бўлаётган турли воқеалар янгича қарашлар призмасидан ўтказилган, кўтарилган масалаларга ҳозирги кунининг талаблари асосида баҳо берилган, тасвирда кучли публицистик жаҳд равшан сезилиб турибди.

«Яшил Нива»—кичик ҳажмли асар, лекин унда катта ижтимоий иллат очиб берилган, яъни унда турмушда ғоят салбий оқибатларнинг туғилишига сабаб бўлаётган ҳодиса—лавозимли шахсларга таъзим қилишининг фожиалари ҳақида баҳс юритилади. Мана, ижодий баҳс ҳар бир ўқувчини ўз имкони даражасида ўйлашга даъват этади: сўнгги ўн йилликлар давомида баъзилар психологиясидаги лоқайдлик, пароканлик, ўзи бўларчилик, худбинлик нега авж олди?

Шундай бўладики, ҳикоя қаҳрамони машинада бир совхоз территориясидан ўтаётиб, директорга тегишли яшил «Нива»нинг орқасидан юришга тўғри келиб қолади ва унинг имиллашига зўрға тоқат қилиб илгарилайди. Яшил «Нива» таъқибидан (қизиғи шундаки, у аслида таъқиб қилмайди, аксинча олдинда кетади) «қутулиб», совхоз территориясидан чиқиб кетаётганида автоинспектор уни тўхтатади, хўжайин сени ақлли йигит экан дедилар, кетавер, деб қўйиб юборади... Орадан анча вақт ўтиб унинг йўли яна шу ерларга тушади, яна яшил «Нива»га дуч келади. У яна «Нива»ни айланиб ўтмай, кетидан аста-секин кетаверади, тўхтаса тўхтайди, юрса юради... Аммо бу гал машина бошқа бўлиб чиқади. Ундайларнинг даври ўтиб кетганлиги маълум бўлади.

Ёзувчи ана шундай яшил «Нива»лар таъқибидан ҳамон қутула олмаётганимизнинг фожиасини жуда аниқ, ишонарли бадиий кашф этган. Ҳақиқатан, мамлакатимизда рўй бераётган улкан янгиланиш, покланиш — қайта қуриш, демократиялаштириш даврида ҳам биз ўз дардларимизни очиқ-ойдин айта олмаётганлигимиз, айтганда ҳам жуда эҳтиёткорлик, журъатсизлик кўрсатаётганимизни эътироф этиш керак. Бунинг сабабини ёзувчи ғоят оддий, бироқ мазмунан чуқур тасвир этади: «Ўтиб кетайми? Бе, ўша куни институтдан думимни тугдиради: бунақа воқеалар бўлган-да, айримлар эҳтиётсизлик қилиб ўтиб кетиб балога йўлиққанлар».

Мана бу асл фожиа. Ўзликни йўқотиш, мансабга бор-йўғини алмаштириш фожиаси. Бундай одамларда на қиёфа, на қалб бўлади. Уларга ватан ҳам бир буюм, уни сотиш мумкин, фақат тинчлиги бузилмаса бас...

Шукур Холмирзаевнинг «Устоз» ҳикоясида ўша давр яратган бошқа бир тоифадаги одамлар типини кўрамиз. Улар ўқувчи кўз ўнгида ўта эҳтиётқор, ўз сояcидан ҳам ҳадиксирайдиган, бошқалар дарди-ташвишига бефарқ, сиртига чанг юқтирмайдиган кишилар сифатида намоён бўлади. «Уни ким ўлдирди? (Бир ёш талантни) Энди ўйлаб кўр ўғлим: одамлар мана шунақа. Қўрқоқ, ваҳимачи, виждонсиз!.. Бу гап-

ларни сенга айтяпман. Аммо-лекин нодир талант эди-да». Бундай сипоҳгарчилик, расмиятчилик ва маҳкамачилик ортида одамлар, тақдирлар, истеъдодлар хор бўлганини реал кўрсатиб бериш ҳикоянинг лейтмотивидир.

Уч ҳикоянинг охиргиси—«Хумор»да муаллиф партиямиз қоралаган бошқа бир иллат—она табиат, атроф-муҳитни ифлослантириш айрим кишилар психологияси, яшаш тарзига ҳам ўрнашиб қолганлигини аёвсиз фош этади.

Ҳикоя қаҳрамони—очиққўнгилли, содда бир йўловчи. У бутифос, селитра каби химиявий дорилардан заҳарланган. Фожиасига аянчли тарзда иқрор бўлади: ҳаёти қил устида. У шифохонага ётиб даволанишга кетаяпти. Йўл-йўлакай ўз тарихини, қандай қилиб химиявий дориларга хумор бўлиб қолганлигини сўзлаб беради: «Пахта терганмисиз? Э, нима деяпман. Пахта термаган ўзбек боласи бор эканми?.. Бунинг устига, пахта—ўзбек халқининг бойлиги, ғурури деб турса!» Йўловчи ҳикоясида давом этади: «...далага кирганингизда, дастлаб димоғингизга ниманинг ҳиди урилган? До-ри-нинг. Бунинг устига ўшанда уни ҳеч ким ёмон демасди. Ҳамма бемалол юраверарди... Шийпонимиз анави-ю, буёқдаги иккинчи теримдан чиққан далага самолётдан дори сепишарди. Сал сасирди-ю, бари-бир-да: у сепилиши керак, ғўзанинг барги тўкилиши керак... Мен унинг ҳидини ёмон деган киши билан ёқалашаман... Мен бу дорига ана шундай хумор бўлиб қолдим десам, ҳайрон бўлманг».

Шукур Холмирзаев ҳикояси учун жуда яхши услуб топади—муаллиф воқеалар тафсилотига сира аралашмайди, ҳатто ҳамроҳлик қилувчи ҳам «хумори»ни ўз ҳолига қўйиб беради. Бу мантиққа жуда мос бўлиб тушади. Ахир, бу тўғрида ўқувчи-студентлик даврини пахта ичида ўтказган, айни дамда даладан қайтаётган «хумори»дан зўр қилиб ким ҳам гапириб бера олади. Халқимиз, бошидан ўтган—ҳақиқий табиб, деб бекорга айтмаган-ку!

Ёзувчи асар охирида ўз қаҳрамонининг фожеасини янада кучли тасвирлайди: «Тентираб юриб, бир гаражга бориб қолдим. Кўп тунука банка, темир бочкалар қалашиб ётган экан. Шунда димоғимга ҳалигининг ҳиди келиб қолди-ку! Чопиб бордим. Худди авчаркага ўхшаб искаланиб кетдим. Булар бутифос-

дан бўшаган идишлар экан. Шу ҳидлайман-е. Кўп бери ҳидламаганим учун бўлса керак, бир маҳал бошим айланди, кўзим тинди, ўхчиб чиқиб кетдим. Ариқ бўйига бориб ўтирдим. Бир соатдан кейин ўзимга келдим... Кейин... шундай роҳа-ат!.. Бултур Жиндибулоққа бориб саккиз ой хизматкорларнинг қошида юрдим. У ерда иккита далага самолётдан бутифос сепишаётган экан. Кейин уларнинг хизматига ўтдим... Қиладиган ишим—бетон ҳовуздан дорини пақирлаб олиш, бориб самолётнинг бакига қуйиш...»

Йўловчи ўз сўзини айтиб адо қилолмайди. Бироқ, ёзувчи ўз асарига нуқта қўйиши керак. Ўқилиши енгил, аммо тан-танасигача аччиқ заҳарханда сингдирилган ҳикоя давомини эшитиш—даҳшатли! Ўқувчи одам боласи, унинг гулдек ҳаёти бемаҳал хазон бўлганидан ларзага келади. Ахир, қуйидаги парчани қандай ғазабланмай, қалтирамай, ўқиш мумкин: «...у дори менинг таржиман ҳолимга сингиб кетган, ахир! Тушунаяпсизми? Менинг бутун қувончларим, завқларим, ҳаётимнинг маъноси, Ватан олдидаги бурч, илк муҳаббатим ҳам... ўша билан боғлиқ. Усиз ўтмишим йўқ... Шунақа бўларкан-да ҳаёт!.. Илтимос, тўхтатинг... Анавинга қаранг! Йўл ёқасига! Ажриқзоргаям сепишипти-ку? Сап-сариқ бўлиб ётипти!».

Умидли ёшлардан Ражаббой Рауповнинг «Она сўз» қиссасида ижтимоий адолатсизлик, ишлаб чиқаришни юритишда коллективизм ва демократиянинг бузилиш ҳолатлари, ўзбошимчалик масалалари ўртага ташланган. Ғаламис ранс «қўриқхона чегарасини бузиб, пахта экади», бу ҳақда газетага танқидий мақола ёзган мухбирнинг «танобини тортиб» қўйиш учун унинг онасини «пахат душмани» деб азоблайди.

Қиссада ўзбошимчалик, манфаатпарастлик кўчасига кирган турли соҳадаги одамларнинг вакиллари берилган. Район газетасининг редактори Заъфар Ҳусайний шахсий молларига силос бермаганлиги учун мухбирдан «қасос» олади, лаганбардор редактор иғвосига учган райкомнинг янги секретари Мақсуд Маҳмудов мухбирни таъқиб қилишгача бориб етади. Гердайган, ўзи хон, кўланкаси майдон совхоз директори Жавли Рустамов ҳеч ким ва ҳеч нимани писанд қилмайди, область вакили Очилов эрксиз, хушомадгўйга айланган.

Жавли Рустамов социалистик қонунчиликни, ҳаё-

тий нормаларни ерга уради, ҳаммасини—ҳар бир босган нотўғри қадамини билиб қилади, тўғрилик, давлат интизоми одамгарчилик унга писанд эмас: «Хизмат юзасидан совхозга келиб-кетиб туришади. Одамига қараб, оёқни сал боссам, «хизматчилик» бир ёнда, чўнтак бир ёнда—ажралади-қолади». Ёки: «Йигирма йилдан бери совхозда директорман. Ҳалол ишлаганим—беш йил. Ҳозир эсласам, ачинаман—гўл эканман...» Ёки: «Боя тушликка чақирганларимнинг бири—прокурор, бири—судья эди... Мен билан ҳамтовоқ улар. Билдингми?!»

Майдонга келаётган ўнлаб асарларнинг ҳаммаси ҳам ҳар жиҳатдан мукаммаллиликка даъвогар эмаслигини алоҳида уқдирмоқчимиз. Янги асарларнинг айримлари ўқувчида кучли эстетик таассурот уйғотмайди. Уларда ҳаётийлик билан бадиий тадқиқотда мантиқ уйғунлиги, руҳий диалектик моҳият таҳлилини бериш, концептуаллик тўла етишмай қоляпти.

Адабиёт—сўз санъати эканлигини унутмаслик зарур. Устоз Абдулла Қаҳҳор маҳоратини ошира боришни ўйламай, масъулият ҳиссини сезмаган қаламкашларга: «Бу одам ёзувчилик меҳнатини фақат ёзишдан иборат, деб ўйлайди», дея заҳарханда қилган эди.

Зийрак ва билимли китобхон ижодкорлардан ўз интеллектуал дунёқарашига мувофиқ тушадиган янги-янги бадиий кашфиётлар кутяпти. Қайта қуриш, янгича фикрлаш даврининг талаби ҳам худди шундай.